



**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги  
“Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш  
бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4075-сонли қарори  
хақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4075-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4075-сонли қарори ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори билан тасдиқланган “2019 йилда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича Йўл харитаси” маълумот учун қабул қилинсин.

3. Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимликларига:

тегишли ҳудуднинг сутка давомидаги криминоген вазияти билан шахсан танишиш ва бунда ижтимоий-маиший тусдаги жиноятларга алоҳида эътибор қаратиш;

тегишли ҳудудда содир этилган, биринчи навбатда ижтимоий-маиший тусдаги жиноятларнинг сабаблари ва шароитларини ўрганиб, ҳудудда ҳилоф ҳаракатларни келтириб чиқарган омилларни аниқлаштириш ҳамда масъул ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахсларнинг ҳаракатсизлигига нисбатан чоралар кўриш;

хуқуққа ҳилоф ҳолатлар бўйича ўз вақтида таъсир чораларини кўриш ва уларнинг салбий оқибатларига барҳам бериш мақсадида хуқуқбузарликлар

профилактикасида бевосита иштирок этувчи органлар ва муассасаларни жалб қилиш ҳамда уларнинг ҳамкорлигини ташкил этиш борасида таъсирчан чора-тадбирларни кўриб, мазкур йўналишда шахсий назорат ўрнатиш вазифалари юклатилади.

4. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши (Т.Романов) Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги (М.Содиқов) билан биргаликда шаҳар ва туманларда жиноятлар даражаси пасайган, уларни олдини олиш ва бартараф этиш чора-тадбирлари ўз вақтида кўрилган ҳолларда бир вақтнинг ўзида фуқаролар йиғинлари раислари ва фаоллари, профилактика (катта) инспекторлари ва уларнинг ёрдамчилари ҳамда “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмасининг алоҳида ўрнатилган кўрсатилган аъзоларига меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг (пул таъминотининг) 100 фоизигача бўлган миқдорда (ўрнатилган ва тўланаётган қўшимча ҳақ ва устамалардан қатъи назар) ва бошқа пул мукофотлари билан тақдирлаш тартибини жорий этсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (А.Темирханов), Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши (Т.Романов), Ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши (А.Данияров):

ҳар бир маҳаллада “Фидокор ёшлар” жамоатчилик патруль гуруҳларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги Тошкент шаҳрининг ижобий тажрибасини шаҳар ва туманларда татбиқ этиш;

профилактика инспекторларининг ёрдамчиларига “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмаси аъзолари ва “Фидокор ёшлар” жамоатчилик патруль гуруҳлари фаолиятини кунлик назорат қилиш ва мувофиқлаштириш топширилсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Д.Ходжиев) алкогольдан ўткир мастлик ҳолатида бўлиб, ўзининг ҳаракатлари билан ҳуқуқ-тарғиботга хавф туғдирувчи шахсларни вақтинча изоляциялаш ва реабилитация қилиш учун қўшимча шароитлар яратиш, ҳар бир туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш муассасаларида алоҳида хоналар ажратиш, уларни зарур анжомлар билан жиҳозлаш ва дори воситалари билан таъминлаш чораларини кўриш топширилсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (А.Темирханов) Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда:

**бир ой муддатда** туман (шаҳар) ҳокимларига оммавий тадбирлар давомида ва жамоат жойларида жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун ички ишлар органлари ходимларини маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан жалб қилиш тўғрисида шартномалар тузиш ваколатини бериш;


йирик бозорлар, савдо мажмуалари ва бошқа шу каби объектларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат тартибини сақлаш соҳасида ички ишлар органларининг хизматларидан шартнома асосида фойдаланиш бўйича фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш;

ички ишлар вазирлиги ҳарбий қисмлари ва ички ишлар органларининг шахсий таркибини аутсорсинг шартларида овқатланишини ташкил этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинадиган қарор лойиҳасига таклиф киритиш мақсадида, Вазирлар Кенгашига асослантирилган таклифлар киритсинлар.

8. Манфаатдор вазирликлар, идоралар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ўзлари қабул қилган ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Қорақалпоғистон Республикаси  
Вазирлар Кенгашининг Раиси**

 **К.Сариев**